
Ўсиш бор, ҳаракат бор, лекин қиладиган ишларимиз ҳали кўп: Вилоят ҳокими Фурқат туманида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ишлар билан танишди

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, вилоят шаҳар ва туманлари ҳудудларида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ишлар билан танишиш жараёнида кеча Фурқат туманида бўлди.

Туманда аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадини ошириш, янги корхоналар ташкил этиш, халқнинг турмуш даражасини юксалтириш бўйича 4 та сектор раҳбарлари томонидан қилинаётган ишлар умумий олганда, вилоят раҳбари томонидан ижобий баҳоланди. “Ўсиш бор, ҳаракат бор, лекин қиладиган ишларимиз ҳали кўп” деди Хайрулло Бозоров.



Дастилаб вилоят ҳокими Ғунча МФЙ ҳудудида жойлашган “Bulut textile” МЧЖ томонидан амалга оширилиши режалаштирилаётган умумий қиймати 20 млн. долларлик аралаш ишлар ишлаб чиқариш инвестиция лойиҳасининг бориши билан танишди. 600 та иш ўрни яратилиши кўзда тутилган корхонада қурилиш ишларининг бориш суръати бўйича вилоят ҳокими лойиҳа ташаббускорларига ўз эътирозини билдирди. Кластер корхоналари, ўзларига берилаётган имтиёзлар ҳамда шароитларни қадрлаб, янги ишлаб чиқариш линияларини тез йўлга қўйишлари, аҳолини иш билан таъминлаш борасида ўзлари олган мажбуриятларни бажаришлари лозимлигига эътибор қаратилди.



Вилоят ҳоқими тумандаги “Томоша” Ёшлар кичик саноати зонасидаги қўшниш материаллари ишлаб чиқариш, “Узунчек” Ёшлар КСЗдаги дон ва дуккакли маҳсулотларни қайта ишлаш ва экспортга йўналтиришга ихтисослашган лойиҳаларни

ҳам кўздан кечирди. Айниқса 3-сектор ҳудудидаги “Узунчек”да ёш тадбиркорлар томонидан мошни қайта ишлаб хорижий давлатларга эскпорти йўлга қўйилгани вилоят ҳоқими томонидан юқори баҳоланди. КСЗларида тадбиркорларнинг ўз фаолиятларини кенгайтириш ёки лойиҳаларни ишга туширишни тезлаштириш учун қўшимча кредит маблағлари ажратиш бўйича мурожаатларининг барчасини тез ва ижобий ҳал этиш бўйича Марказий банк вилоят бош бошқармаси бошлиғига кўрсатма берилди.





Хайрулло Бозоров, “Темирйўлчи” КСЗдаги “Мастона бўстони” МЧЖ томонидан амалга оширилаётган қиймати 42 млрд. сўмлик “Ун заводи ташкил қилиш” лойиҳасини бориб кўрди. Ҳозирда қурилиш-таъмирлаш ишлари давом этаётган корхона, 2022 йил 1 июлда ишга туширилади ва йиллик 48 минг тонна ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.



2022-01-28 11:23:31